

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Ислом цивилизацияси маркази

Директор уринбосари – танлов комиссияси раиси



Ф.Халимов

(имзо)

«2» декабрь 2022 йил

Ислом цивилизацияси маркази томонидан тайёрланган “Буюк Алломалар ва мутафаккирлар хаётига бағишлиланган илмий маърифий портал ва давлат реестри учун интеграллашган платформалар яратиш ҳамда уларнинг android ва ios қурилмалар учун мобил иловаларини ишлаб чиқиши” юзасидан энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш хужжатлари

ТЕХНИК ХУЖЖАТЛАР

Тошкент-2022 йил

МУНДАРИЖА

- I-боб. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари учун йўриқнома
- II-боб. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар
- III-боб. Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун таклифларни бериш тартиби
- IV-боб. Иштирокчиларнинг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш тартиби
- V-боб. Энг яхши таклифларни танлашда натижалари бўйича шартнома тузиш тартиби
- VI-боб. Намунавий хужжатлар шакли ва Шартнома лойиҳаси

I-боб. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари учун йўриқнома

Мазкур энг яхши таклифларни танлаш (бундан буён матнда танлаш деб юритилади) бўйича харид қилиш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелда қабул қилинган 684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Танлашни ўтказиш шакли: танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда (1-иловага мувофиқ) кўрсатилган муддатда танлаш иштирокчиларини таклифларини қабул қилиш орқали очик тарзда ўтказилади.

Давлат буюртмачиси: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ислом цивилизацияси маркази (бундан буён матнда Буюртмачи деб юритилади).

Харид предмети: мазкур харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган техник топшириқда кўрсатилган талабларга мос келувчи нашр махсулотлар.

Харид предметининг бошлангич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шарти: тўрт юз қирқ тўккиз (449.000.000) миллион сўмдан ошмаган ҳолда жами. Товарни етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) муддати шартнома имзоланганидан сўнг 20 кундан ошиб кетмаслиги лозим.

Молиялаштириш манбаи ва валютаси: Бюджет маблағлари ҳисобидан. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида.

Тўлов шартлари: шартнома кучга кирганидан сўнг Q фоиз миқдорида (бир миллиард сўмгача тузиладиган шартномаларда) олдиндан тўлов амалга оширилади ва товар етказиб берилганидан (иш бажарилгандан, хизмат кўрсатилганидан) сўнг қолган 100 фоизи тўлаб берилади.

Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили: А.Қодирий, 11, Шайҳонтоҳур тумани

Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс: Ф.И.О., тел.: масъул ходим – С.Зокиров +99893 377 45 55

Манзили: А.Қодирий, 11, Шайҳонтоҳур тумани

Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вакт: таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон килинганидан сўнг беш иш куни давомида, соат 9-00дан 18-00 га қадар қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Ислом цивилизацияси марказининг
энг яхши таклифларни танлаш ўтказилиши тўғрисидаги
Эълони

Танлашни ўтказиш шакли: танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда (1-иловага мувофиқ) кўрсатилган муддатда танлаш иштирокчиларини таклифларини қабул қилиш орқали электрон тарзда ўтказилади.

Давлат буюртмачиси: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ислом цивилизацияси марказининг (бундан бўён матнда Буюртмачи деб юритилади).

Харид предмети: мазкур харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган техник топширикда кўрсатилган талабларга мос келувчи Аудиогид мосламалари жамланмаси.

Харид предметининг бошлангич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шарти: тўрт юз қирқ тўққиз (449.000.000) миллион сўмдан (қўшимча қиймат солиғини инобатга олиб) ошмаган ҳолда. Товарни етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) муддати шартнома имзоланганидан сўнг 20 кундан ошиб кетмаслиги лозим.

Молиялаштириш манбаи ва валютаси: Бюджет маблағлари ҳисобидан. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида.

Тўлов шартлари: шартнома кучга кирганидан сўнг 0 фоиз микдорида (бир миллиард сўмгача тузиладиган шартномаларда) олдиндан тўлов амалга оширилади ва товар етказиб берилганидан (иш бажарилгандан, хизмат кўрсатилганидан) сўнг қолган 100 фоизи тўлаб берилади.

Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили: А.Қодирий, 11, Шайхонтоҳур тумани

Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс: Ф.И.О, тел.: масъул ходим – С.Зокиров +99893 377 45 55

Манзили: А.Қодирий, 11, Шайхонтоҳур тумани

Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вакт: таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон килинганидан сўнг беш иш қуни давомида, соат 9-00 дан 18-00 га қадар танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили бўйича қабул қилинади.

Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:

мазкур танлашни ўтказишида чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда камида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларини баҳолашда маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан импорт товарларининг DDP (Ўзбекистон) нархидан 15 фоиздан кўп бўлмаган микдорда преференция берилади;

II -боб. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар

Мазкур танлашда давлат харидларини бажариш учун талабгор сифатида Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган юридик шахси иштирок этиши мумкин.

Иштирокчилар қўйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:

1. Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, ва корхона хақида умумий маълумот, хизмат кўрсатиш учун рухсат этувчи ҳужжатлар нусхалари;
2. Хизматларни бажариш муддати тўғрисида кафолат хати ва тўлов шартлари
3. Иш хизматлар бажариш муддати хақида кафолат хати, тўлов муддатлари ва тўлов шартлари тўғрисида маълумотнома
4. Камида 2 йиллик ўрта даражадаги тажрибага эга ишчилари тўғрисида маълумот
5. Иштирокчи корхона молиявий ҳолати тўғрисида маълумот
6. Иштирокчи корхона молиявий ҳолати ва банк ҳисоб рақамидаги пул айланмаси ҳамда қолдик сумма ва кредит қарздорлиги йўқлиги картотека 2 ҳакида маълумотнома тақдим этиши шарт.
7. Имтиёзли солиқ режимида молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишини назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) иштирокчилар ва уларнинг банк ҳисоб рақамлари рўйхатдан ўтказилмаганлиги;
8. Тарьис хужжатлари ва фаолиятининг қонунийлиги;
9. манфаатлар тўқнашуви ва аффилланганлик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;

Иштирокчи ва унинг аффилланган шахси таклифларни танлаш бўйича айни битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

Танлашда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар харид комиссиясига ўтказилаётган танлаш юзасидан тушунтириш бериш бўйича сўров юборишга ҳақли.

Мазкур сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар ушбу сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришларни юборади. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзgartирмаслиги керак.

Ушбу танлашни ўтказишида чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда камида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларини баҳолашда маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан импорт товарларининг DDP (Ўзбекистон) нархидан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда преференция берилади.

Сифат танлови ҳужжатларининг РЎЙХАТИ

1. Танлашда иштирок этиш учун харид комиссияси раиси номига ёзилган ариза (харид қилиш ҳужжатларига 3-илова).
2. Иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги, буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларга киришмаганлиги, аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслигини тасдиқловчи кафолат хатлари (харид қилиш ҳужжатларига 4-илова).
3. Коррупция кўринишларига йўл кўймаслик бўйича ариза (харид қилиш ҳужжатларига 8-илова).

* *Иштирокчилар ўз хоҳишига кўра фаолиятига доир қўшиимча маълумотлар ва ҳужжастларни тақдим этиши мумкин.*

№: _____ Сана: _____

Харид комиссияси

АРИЗА

Биз, қуйида имзо чекувчилар (*танлаши шитирокчисининг номи кўрсатилади*) товар етказиб бериш учун (*таклиф этилаётган товар турлари кўрсатиб ўтилади*) ўтказилаётган энг яхши таклифларни танлаш воситасидаги давлат харидида харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ товар етказиб бериш бўйича иштирок этиш учун ўз истагимизни билдирамиз.

Шу муносабат билан қуйида келтирилган ҳужжатларни йўлламоқдамиз:

1. Сифат
2. танловига нашр намуналари (*брошиюра, буклетлар тақдим этилганда варажлар сони, компакт дисклар тақдим этилганда уларнинг сони кўрсатилади*);
2. Таклиф;
3. Бошқа ҳужжатлар (*бошқа ҳужжатлар тақдим этилганда уларнинг номи ва варажлари сонини кўрсатиш талаб этилади*).
4. Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза.

Таклифини тайёрлаш учун жавобгар шахснинг Ф.И.Ш.:

Телефон рақами: _____

Электрон почта манзили: _____

Имзо:

Рахбарнинг Ф.И.Ш. _____

М.Ў.

№: _____ Сана: _____

Харид комиссияси

КАФОЛАТ ХАТИ

Мазкур хатни йўллаш орқали сизга ушбу ташкилот (ташкilotning номи кўрсатилади):

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги;
- буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларига киришмаганлиги;
- аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;
- тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилигини тасдиқлаймиз.

Имзо:

Рахбарнинг Ф.И.Ш. _____

М.Ў.

III -боб. Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун таклифларни бериш тартиби

Танлаш таклифи ҳамда иштирокчи ва буюртмачи ўртасида амалга ошириладиган барча тегишли ёзишмалар ва ҳужжатлар давлат тилида ва заруратга кўра бошқа тилларда тайёрланиши мумкин.

Иштирокчиларни таклифи матни бир нечта тилда расмийлаштирилиши натижасида матн талқинида тафовутлар юзага келган тақдирда, ўзбек ёки рус тиллари устунликка эга бўлади.

Техник ҳужжатларни инглиз тилида тақдим этилишига ҳам рухсат берилади. Бунда ҳужжатнинг ўзбек ёки рус тилидаги аниқ таржимаси тақдим этилиши шарт.

Буюртмачи ташлаш иштирокчиларидан харид қилиш ҳужжатлари ва қўлланилаётган харид қилиш тартиб-таомили юзасидан тушунтириш бериш тўғрисида сўров олганидан кейин сўралган тушунтиришларни икки иш куни ичида тақдим этади.

Иштирокчи ҳужжатлар тўпламини электрон шаклда сайтга жойлаштириши керак.

Иштирокчининг таклифи харид комиссиясига электрон шаклда тақдим этилади. Иштирокчи:

- тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади;

- фақат битта таклиф беришга ҳақли;

- таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни қайтариб олишга ёки унга ўзгартишлар киритишга ҳақли;

Таклиф буюртмачининг техник топшириғига ва дастлабки малака танловига мос келувчи иштирокчининг таклифига мос расмийлаштирилади:

“Танлаш бўйича таклиф” Танлаш таклифида куйидаги ҳужжатлар бўлиши керак;

товар ишлаб чиқарувчи корхона томонидан берилган ишончноманинг асл нусхаси (агар танлаш иштирокчиси таклиф этилаётган товар ишлаб чиқарувчиси бўлмаса);

ушбу харид қилиш ҳужжатларини 8-иловасидаги шаклга мувофиқ таклиф қилинган маҳсулот учун техник топшириққа доир талабларнинг қиёсий жадвали;

техник ҳужжатлар (тақдим этилаётган маҳсулотнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган рисолалар ёки бошқа ҳужжатлар)

Белгиланган муддат тугаганидан кейин тақдим этилган таклифлар кўриб чиқилмайди.

Танлаш таклифи харид ҳужжатларида белгиланган муддат давомида амал қиласи. Иштирокчиларнинг танлаш таклифининг амал қилиш муддати танлаш таклифлари тақдим этиш муддати тугаган кундан бошлаб камида 30 кунни ташкил этиши керак.

Харид комиссияси танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишининг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан биргага, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Харид қилиш ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор харид комиссиясининг мажлисларида қабул қилинади.

№ _____ -лот

ТАНЛАШ БҮЙИЧА ТАКЛИФ

КИМГА: харид комиссиясига

Жаноблар!

Биз, қўйида имзо чекувчилар (*танлаши шитирокчисининг номи кўрсатилади*) ўтказилаётган харид ҳужжатлари олганлигимизни тасдиқлаган ҳолда, хизмат кўрсатиш учун (*таклиф этилаётган товар номи, марка ва модели кўрсатиб ўтилади*) кўрсатилган ҳужжатлар асосида ва _____ миқдорларда етказиб беришни (хизмат кўрсатишни) амалга оширишни таклиф этамиз.

Бизнинг таклифимиз қабул қилинган тақдирда, товар ва хизматлар учун харид ҳужжатларида келтирилган етказиб бериш (хизмат кўрсатиш) мудатлари асосида товарларни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятини оламиз.

Бизнинг _____ (_____) сўм закалат пулимиз Шартнома шартларининг бажарилиш якунига қадар ва биз томонимиздан шу каби Шартнома шартларининг бажарилишига кафолат сифатида Буюртмачи ихтиёрида туради.

Биз танлаш таклифларининг очилган куни сифатида ўрнатилган (белгиланган) санадан бошлаб 90 (тўқсон) кун давомида ушбу танлаш таклифлари қоидаларига риоя этишга розилик билдирамиз. Ушбу танлаш таклифи биз учун мажбурий (ҳақиқий) бўлиб қолади ва кўрсатилган муддат ўтгунга қадар ихтиёрий вақтда қабул қилиниши мумкин.

Иловалар:

- таклиф этилаётган маҳсулот техник тавсифининг таққослама жадвали _____ варагда.
- маҳсулот ишлаб чиқарувчи заводдан олинган ишончноманинг асл нусхаси (танлаш шитирокчиси таклиф этилаётган маҳсулот ишлаб чиқарувчиси бўлмаган ҳолларда тақдим этилади).
- техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспорт, фойдаланиш бўйича йўриқнома ва х.к.лар, ёки таклиф этилаётган маҳсулотнинг тўлиқ тавсифи берилган бошқа ҳужжатлар).

(ваколатли шахснинг имзоси)

(Ваколатли шахснинг исми ва лавозими)
М.Ў..

Сана: “___” 20___

Таклиф қилинаётган махсулотларнинг техник тавсифларининг қиёсий жадвали*Танлаш _____ (танлаш рақами ва санаси кўрсатилади)*

№	Параметр номи	Техник хусусиятларига доир талабларига мувофиқ кўрсаткич	Иштирокчининг таклифига биноан кўрсаткич	Кафолат муддати	Изоҳ (мос/мос эмас)
1					
2					

Иштирокчи раҳбари ёки ваколатли шахсининг Ф.И.Ш. ва имзоси

М.Ў.

IV -боб. Иштирокчиларнинг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш тартиби

Закалати таъминланмаган иштирокчиларнинг таклифлари харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди (харид қилиш хужжатларида назарда тутилган бўлса).

Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонда таклифларни кабул қилиш муддати тугаганидан сўнг харид комиссияси иштирокчиларни таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш учун йигилиш ўтказиладиган вақтни белгилайди ва бу тўғрисида йигилиш ўтказилишидан камида бир иш куни олдин иштирокчиларни хабардор қиласди.

Агар таклифни киритган танлаш иштирокчиси Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунида белгиланган талабларга мос келмаса ёхуд танлаш иштирокчисининг таклифи харид қилиш хужжатлари талабларига мос келмаса, харид комиссияси таклифни рад этади.

Баҳолаш пайтида харид комиссияси иштирокчиларидан таклифлари бўйича тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳияти, шунингдек нархи юзасидан бирор-бир ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.

Танлаш иштирокчилари таклифларини турли валюталарда тақдим этган ҳолларда, баҳолаш жараёнида таклиф қиймати конверт очилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ягона валюта курси бўйича қайта ҳисобланади.

Арифметик ёки бошқа хатоликлар аниқланган тақдирда харид комиссияси иштирокчиларни хабардор қилган ҳолда, таклифини рад этиш ёки келгусида кўриб чиқишнинг бошқа шартларини белгилаб беришга ҳақли.

Чет эллик ва маҳаллий иштирокчиларнинг таклиф этаётган нархларини объектив тарзда таққослаш мақсадида баҳолаш жараёнида

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тегишли харажатлар ҳисобга олинади (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар).

Танлашда чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда камида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларига кўра ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларни баҳолашда чет эллик етказиб берувчилар томонидан таклиф этилган нархдан 15 фоиздан кўп бўлмаган микдорда преференциялар берилиши мумкин.

Иштирокчилар томонидан берилган таклифларни харид комиссияси томонидан кўриб чиқиш ва баҳолаш учун қўйидаги кетма-кетлик амал киласди: Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан ошиши мумкин эмас.

Танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган хужжатлардаги ахборотнинг ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилининг исталган босқичида танлашда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.

Иштирокчиларнинг таклифлари харид қидиши хужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш мақсадида харид комиссияси комиссия аъзолари ва мустақил экспертлардан, тор доирадаги мутахассислардан иборат бўлган ишчи гурух тузишга ҳақли.

Келиб тушган таклифлар харид комиссияси ёки мутахассислар иштирокидаги ишчи гурухи томонидан кўриб чиқилиб, баҳоланиши мумкин. Бунда, ишчи гурухи томонидан баҳолангандা харид комиссиясига хulosha шаклидаги ҳисобот тақдим этилади. Редакция ташкил этиш ва баҳолаши мумкинлиги.

Харид комиссияси иштирокчиларни таклифларини харид қилиш хужжатларида белгиланган техник хусусиятларга доир талабларга мувофиқлигини харид қилиш

хужжатларини 7-иловасида кўрсатилган мезонлар бўйича баҳолайди

Танлашда сифат танловидан ўтмаган ҳамда нархи бошлангич нархдан ошган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.

Иштирокчиларни таклифларини очишда, иштирокчиларнинг номлари, товарларнинг нархи ва таклиф қиймати, шунингдек ушбу харид ҳужжатлари талабларига мувофиқ, танлаш ҳужжатларнинг тўлдирилишининг тўғрилиги эълон қилинади.

Харид комиссияси ғолибни аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни харид қилиш ҳужжатларида қайд этилган мезонлар асосида баҳолашни амалга оширади.

- Танлашда техник ва сифат таклифларни баҳолаш натижаларига қўра харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида ҳамда иштирокчиларнинг тўплаган балларини инобатга олиб шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.

Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари баённомада қайд этилади. Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш баённомасида харид комиссияси таклифларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда рад этилган танлаш иштирокчилари хақидаги ахборотларни қайд этади.

Баённома танлаш ўтказиш бўйича харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади.

Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилиши керак.

Агар икки иш куни ичida танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътиrozлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичida давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

Иштирокчиларнинг таклифни таъминлаш маблағи, ғолиб аниқлангандан сўнг икки иш куни мобайнида қайтарилади.

Ғолиб иштирокчининг таклифни таъминлаш маблағи, шартнома шартлари тўлиқ бажарилгандан сўнг икки иш куни мобайнида қайтарилади.

1 -. Таклифларни техник жиҳатдан баҳолаш.

Таклифларни техник жиҳатдан баҳолаш танлашнинг техник таклифларига оид ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Техник баҳолаш мезонлари харид комиссиясининг хар бир аъзоси томонидан баҳоланаади.

№	Мезон	Баҳолаш	Изоҳ
1	Харид қилиш ҳужжатларининг техник қисми талабларига мувофиқлиги (2 та вэб-сайт ва 4 та мобил иловаларни яратиш)	Мувофиқ бўлса – 10 балл Мувофиқ эмас – 0 балл	Агар мувофиқ бўлмаса, харид комиссияси аъзоларининг умумий сонининг қўпчилик овози билан иштирокчининг таклифи рад этилиши мумкин
3.	Берилган таклифлар барча талабларга мувофиқлиги	Ҳа/йўқ	Агар ҳа бўлса, иштирокчи танлаш савдоларида қатнашади.

VI -боб. Энг яхши таклифларни танлаш натижалари бўйича шартнома тузиш тартиби

Танлаш натижалари бўйича шартнома харид қилиш хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Харид комиссиясининг қарорига кўра ғолиб деб топилган иштирокчига харид комиссиясининг ёзма кўринишдаги хабарномаси етказилади.

Ғолиб шартнома тузишдан бош тортган тақдирда унга закалат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш хуқуки захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нарҳда (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарҳ ғолиб томонидан таклиф этилган нарҳдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан маҳсус ахборот порталига у тузилган қундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

Танлаш натижалари бўйича шартнома харид қилиш хужжатларини 9-иловасида кўрсатилган шаклда тузилади.

№: _____ Сана: _____

Харид комиссияси

**КОРРУПЦИЯ КҮРИНИШЛАРИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК БЎЙИЧА
АРИЗА**

Мен, _____ (харид тартиб-таомили иштирокчисининг номи кўрсатилади) товар етказиб бериш учун (таклиф этилаётган товар турлари кўрсатиб ўтилади) ўтказилаётган энг яхши таклифларни танлаш воситасидаги давлат харидида коррупцияга оид хукуқбузарликларга йўл қўймаслик мажбуриятини оламан.

Мен коррупциянинг қўйидаги кўринишларига йўл қўймасликни кафолатлайман:

- Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиб тўғрисидаги қонун хужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни амалга ошириш;

- ўз мансаб ёки хизмат мавқеимдан шахсий манфаатларимни ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равища фойдаланиш;

- танлаш бўйича харид қилиш хужжатларини қонунчиликка зид тартибда расмийлаштириш;

- танлаш бўйича харид қилиш тартиб-таомилларини қонунчиликка зид тартибда амалга ошириш;

- давлат харидлари субъектларига таъсир ўтказиш, жумладан, пора беришни таклиф қилиш, ваъда бериш, товламачилик қилиш, пора сифатида пул тўлаш, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш;

- манфаатлар тўқнашувига;

- танлашда иштирок этаётган бошқа иштирокчилар билан тил бириктириш;

- ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган ахборотни тақдим этиш.

Коррупцияга оид хукуқбузарликлар содир этиш ҳолатлари аниqlанган тақдирда қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилишга розилик билдираман.

Раҳбарнинг Ф.И.Ш.:_____

Телефон/факс рақами:_____

Электрон почта манзили:_____

Имзо:

М.Ў.

**Шартнома №
хизматлар кўрсатиш бўйича**

Тошкент ш.

2022 й. «__» _____

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Ислом цивилизацияси маркази номидан Устав асосида иш юритувчи, директор Шоазим Шоисламович Миноваров, (кейинги ўринларда, “Буюртмачи”) деб аталаған бир томондан ва

(кейинги ўринларда “Ижрочи”) бошқа томондан қуидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети.

1. 1. Ижрочи ушбу шартноманинг 3-бандига (бундан бўён матнда хизматлар деб юритилади) мувофиқ китоблар нашри бўйича хизматлар кўрсатишни ўз зиммасига олади ва Буюртмачи ушбу шартнома шартларига мувофиқ хизматларни қабул қилиш ва тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Ушбу шартнома шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган Спецификациялар (ишларга)га мувофиқ хизматларни амалга оширишни назарда тутади.

1.3. Хизматларни кўрсатиш **Ижрочи** томонидан шахсан ҳамда учинчи шахсларни жалб қилган ҳолда амалга оширилади. **Ижрочи** учинчи шахслар томонидан амалга оширилган хизматлар учун **Буюртмачи** олдида жавобгарликни тўлиқ ўз зиммасига олади. “Буюртмачи” томонидан олдиндан тўлов амалга оширгандан сўнг **Ижрочи** томонидан хизматлар кўрсатилиши бошланади.

1.4. Хизматлар кўрсатилганлиги **Ижрочи ва Буюртмачи** томонидан имзоланган электрон ҳисобварак-фактура ва кўрсатилган хизматлар далолатномаси билан тасдиқланади.

2. Хизматлар кўрсатиш шартлари ва тартиби.

2.1. Ижрочи ўз ҳисобварагига олдиндан тўловни олганидан кейин 20 (йигирма) иш куни ичидаги хизмат кўрсатади. Шартнома бўйича мажбуриятларни муддатидан илгари бажаришга йўл қўйилади.

2.2. Хизматларни кўрсатилиши тугагач, **Ижрочи Буюртмачига** электрон ҳисоб-фактура ва кўрсатилган хизматлар далолатномасини тақдим этади, бунда **Буюртмачи** 3 кун ичидаги тақдим этилган ҳужжатларни имзолайди (тасдиқлайди) ёки имзоламаган (тасдиқламаган) тақдирда асослантирилган рад жавобини **Ижрочига** тақдим этади.

2.3. Кўрсатилган хизматдаги камчиликлар аниқланганлиги сабабли **буюртмачи** асослантирилган ҳолда кўрсатилган хизматлар далолатномасини имзолашдан ва ҳисоб-фактурани қабул қилишдан бош тортган тақдирда, томонлар аниқланган камчиликлар рўйхати, уларни бажариш учун зарур бўлган қўшимча ишлар ва муддатлар кўрсатилган ҳолда икки томонлама нуқсонлар далолатномаси туздилар. Бунда, камчиликларни бартараф этиш муддати **2 календарь** кундан ошмаслиги керак.

Нуқсонлар далолатномасида кўрсатилган камчиликларни **Ижрочи** ўз маблаглари ҳисобидан ва белгиланган муддатларда бартараф этишга мажбурдир. Ижрочи ёки Ижрочи томонидан жалб этилган учинчи шахсларнинг айбисиз, бошқа шахслар томонидан қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида Ижрочининг материал ва ускуналарига зарар етказилган ҳолатлари бундан мустаснодиди.

3. Шартнома баҳоси ва тўлов тартиби.

3.1. Ушбу шартнома бўйича хизматларнинг умумий қиймати (КҚСни ҳисобга олган ҳолда) ташкил этади.

3.2. **Буюртмачи** ушбу шартнома тузилган кундан бошлаб уч банк куни мобайнида **Ижрочининг** ҳисоб-китоб рақамига 30% миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади. **Ижрочи** томонидан шартнома бўйича ишлар бажариб, электрон ҳисобварак-фактура топширгандан сўнг, ушбу шартнома қийматининг қолган 70% миқдоридаги сумма **буюртмачи томонидан** 3 иш куни мобайнида тўлаб берилади.

3.3. Ушбу шартноманинг 3.1 бандда кўрсатилган қиймати - ушбу шартноманинг 1-иловасига мувофиқ келишилган бўлиб, **ижрочи** томонидан шартнома предметини амалга ошириш билан боғлиқ барча соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз ичига олади.

3.4. Хизматлар нархи белгиланган бўлиб, ушбу шартнома амал қилиш муддати давомида ўзгарилишига йўл кўйилмайди, **Буортмачининг** ташаббуси билан хизматлар ҳажми ўзгариб, шартномага кўшимча битим сифатида расмийлаштирилган ҳолатлар бундан мустаснодир.

4. Хизматларни қабул қилиш

4.1. Кўрсатилган хизматларни қабул қилиш Ўзбекистон Халқаро Ислом академияси худудида амалга оширилади.

4.2. Хизматларни қабул қилиш ушбу шартноманинг 2.2 бандида кўрсатилган ҳужжатларга мувофик амалга оширилади.

5. Шартноманинг амал қилиши муддатлари.

5.1. Ушбу шартнома томонлар имзолаган санадан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди. Шартноманинг амал қилиш муддати якунланиши тарафларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.1.1. Буортмачи Ижроцидан ушбу шартнома доирасида хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган курилиш материаллари, хом ашё, асбоб-ускуналар ва бошқаларни сотиб олганликни тасдиқловчи бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини (счёт-фактуралар, счёт-фактуралар, тушумлар ва бошқа ҳужжатларнинг нусхалари) тақдим этишни талаб қилишга ҳақли эмас.

5.2. Ушбу шартнома ҳар қандай вақтда ҳар икки томоннинг ёзма розилиги билан ва шартнома бекор қилинишидан олдин шартнома бўйича пайдо бўлган мажбуриятларнинг мажбурий бажарилиши билан, шу жумладан шартномани бекор қилиш кунида кўрсатилган хизматлар учун **Ижрочи** ҳақ тўлаш билан бекор қилиниши мумкин.

5.3. Шартнома бекор қилинганда **Ижрочи** томонидан зарап етказилса, **Ижрочи** ушбу заарни қоплаб бериш мажбуриятини олади.

5.4. Томонлардан бирининг ташаббуси билан шартномани бекор қилиниши, сабабларини кўрсатган ҳолда, бошқа томонни шартномани бекор қилиниши режалаштирилган санадан камида 10 иш куни олдиндан хабардор қилиш орқали амалга оширилади.

6. Шартномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши.

6.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилиши томонларнинг факат ёзма равища бўлган қўшимча битим тузиш йўли билан амалга оширилади ва у томонларнинг ваколатли вакиллари имзолаган тақдирда амал қиласди.

7. Томонларнинг жавобгарлиги ва низоларни ҳал қилиш тартиби.

7.1. Томонларнинг жавобгарлик масалалари “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий асослари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Конунига, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тартибга солинади.

7.2. Шартнома бўйича барча низо ва келишмовчиликлар тинч музокаралар ва даъво аризаси орқали ҳал этилади. Низоларни тинч музокаралар йўли билан ҳал этишининг иложи бўлмаса, ушбу битимдан келиб чиқадиган ёки унга боғлиқ бўлган барча келишмовчиликлар, келишмовчиликлар ва даъволар, шу жумладан уни тузиш, ўзгартириш, ижро этиш, бузиш, тугатиш, бекор қилиш ва амал қилиш билан боғлиқ даъволар Тошкент туманлараро хўжалик судида ҳал этилади.

7.3. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш шартларини бузганлик учун **Ижрочи** кечикирилган ҳар бир календарь куни учун амалга оширилмаган хизматлар қийматининг 0,5% (ноль бутун

ўндан беш фоиз) миқдорида, лекин амалга оширилмаган хизматлар қийматининг 50% (эллик фоиз) дан кўп бўлмаган миқдорда жарима шаклида жавобгар бўлади.

7.4. Мажбуриятларни бажариш шартларини бузганлик учун шартнома бўйича тўлов шаклида **Буюртмачи** кечиктирилган ҳар бир календарь куни учун тўланмаган ёки муддати ўтган тўлов суммасининг 0,5% (ноль бутун ўндан беш фоиз) миқдорида жарима (пеня) шаклида, лекин муддати ўтган тўлов қийматининг 50% (эллик фоиз) дан кўп бўлмаган миқдорда жавобгар бўлади.

7.5. Жарималар ва жарималар тўлаш томонларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

8. Форс-Мажор.

8.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилмагани ёки тўғри бажарилмагани учун жавобгар бўлмайди, агар улар фавқулодда ҳолатлар (ёнгин, сув тошқини, зилзилалар, қўчкилар, бўронлар, курғоқчилик ва бошқа табиий оғатлар) ёки ижтимоийиқтисодий шароитлар (уруш ҳолати, ҳарбий операциялар, КОВИД -2019 тарқалиши) ҳамда хукумат қарорлари оқибатида юзага келган бўлса ҳамда ушбу ҳолатларни тасдиқловчи ваколатли давлат органи тарафидан берилган ҳужжатлар бўлган тақдирда.

9. Шартноманинг бошқа шартлари

9.1. Ушбу шартнома бўйича ҳар қандай билдиришнома ёзма равища расмийлаштирилиб, билдиришнома ёзган томоннинг ваколатли вакили имзоси остида иккинчи томоннинг манзилига етказилади.

9.2. Ушбу шартнома мазмун жиҳатидан бир хил бўлган ва бир хил қонуний кучга эга бўлган икки нусхада тузилган бўлиб, ҳар икки тарафнинг имзоси ва муҳрлари билан тасдиқланади.

Ижрочи

Буюртмачи

_____ /
М. Ж

_____ / _____.
М. Ж

1-илова
 “___” ____ 2022 йилдаги
 _____-сонли шартномага

Спецификация

Бажарыладыган ишлар	Үлчам бүрлиги	нархи	Қиймати

Жами: _____ сўм, шу жумладан
 ККС 00 тийин.

Ижрочи

Буюртмачи

_____ /
 М. Ж

_____ / _____.
 М. Ж

